

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ  
ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Сув таъминоти тармоқларини лойиҳалаш”**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ  
ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Сув таъминоти тармоқларини лойиҳалаш”  
модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** **ТИҚХММИ в.б.доценти, PhD О.А.Аширова**

**Тақризчи:**

**Ўқув-услубий мажмуаТИҚХММИ Кенгашининг 2019 йил 31 октябрдаги 3-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	8
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	14
IV. АМАЛИЙ МАШФУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	47
V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....	52
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	56
VII. ГЛОССАРИЙ.....	57
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	60

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

«2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг учинчи блоки айнан республикамида ижтимоий хаётнинг муносаб шароитларини таъминлашга қаратилгандир. Барқарор ривожланиш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий талабларидан бири ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан атроф- табиий мухит ҳолатининг экологик хавфсизлигини таъминлашдир. Шунинг учун ҳам Ҳаракатлар стратегиясига илова қилинган Давлат дастурининг 4.3-бандида «одамларнинг экологик хавфсиз мухитда яшашини таъминлаш» долзарб масалалардан ўрин олган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-куватлаш йили»да қабул қилинган ПФ-5308-сон Фармони билан тасдиқланган давлат Дастурининг 12-банди 2-хатбошида давлат органларига «илғор фикрлайдиган, ташаббускор ва масъулиятли ходимларни ҳар томонлама қуллаб қувватлаш» вазифаси юклатилган.

Ушбу дастурда “Сув таъминоти тармоқларини лойиҳалаш” фанининг мазмуни, предмети ва методи, аудит моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари, Ўзбекистон Республикасида сувни таъминоти тармоқларини лойиҳалаш шахар ва қишлоқлардаги сув таъминотини яхшилаш ва ривожлантиришнинг асосий хозирги кунда энг долзарб бўлиб турган омилларидан биридир.

## II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

“Сув таъминоти тармоқларини лойиҳалаш” фанининг асосий мақсади - талабаларга сув таъминоти тармоқларини лойиҳалаш мақсадларида бериладиган сув таъминоти тармоқлари ҳисобини бажариш услуг ва технологиялари бўйича зарурий билим ва маълумотлар беришдан иборат.

“Сув таъминоти тармоқларини лойиҳалаш” фанини ўзлаштириш жараёнида **TINGLOVCHI**:

- сув ташиш ва тарқатиш тизими, водопровод тармоғига сув берининг асосий схемалари, водопровод тармоқларининг ҳисоби назарияси, ўт ўчириш мақсадидаги сув таъминоти тизимлари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- сув ташиш ва тарқатиш тизими, водопровод тармоғига сув берининг асосий схемалари, водопровод тармоқларининг ҳисоби назарияси, босим сарфи ва тармоқдаги қувурларнинг иқтисодий жиҳатдан энг афзал диаметрларини аниқлашнинг замонавий усуллари, водопровод тармоғининг гидравлик ҳисобини бажаришда замонавий ЭҲМ дастурларидан фойдаланиш, ўт ўчириш мақсадидаги сув таъминоти тизимларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- водопровод тармоғига сув берининг асосий схемалари, водопровод тармоқларининг ҳисоби назарияси, босим сарфи ва тармоқдаги қувурларнинг иқтисодий жиҳатдан энг афзал диаметрларини аниқлашнинг замонавий усуллари, водопровод тармоғининг гидравлик ҳисобини бажаришда замонавий ЭҲМ дастурларидан фойдаланиш, ўт ўчириш мақсадидаги сув таъминоти тизимларини **қўллаш қўнималарига эга бўлиши керак;**
- водопровод тармоқларининг ҳисоби назарияси, босим сарфи ва тармоқдаги қувурларнинг иқтисодий жиҳатдан энг афзал диаметрларини аниқлашнинг замонавий усуллари, водопровод тармоғининг гидравлик ҳисобини бажаришда замонавий ЭҲМ дастурларидан фойдаланиш, ўт ўчириш мақсадидаги сув таъминоти тизимларини ҳисоблаш **малакаларига эга бўлиши керак.**

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

Сув таъминоти тармоқларини лойиҳалаш **модулнинг мақсад ва вазифалари:**

**Мақсади:** педагог кадрларга дунёда ва мамлакатимиздаги Сув таъминоти тармоқларини лойиҳалаш бўйича шаклланган билим, кўникма ва малакаларни хориж тажрибалагига таянган ҳолда бойитишга эришиш.

**Вазифаси:** Сув таъминоти тармоқларини лойиҳалаш жараёнида олинган натижаларни қайта ишлашда ахборат-коммуникацион технологияларидан фойдаланиш, илғор хориж тажрибаларидан воқиф бўлиш ва уларни етказиши.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

«Сув таъминоти тармоқларини лойиҳалаш» модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- сув таъминоти тармоқларини лойиҳалаш учун сув ташиш ва тарқатиш тизими;
- водопровод тармоғига сув беришнинг асосий схемалари;
- водопровод тармоқларининг ҳисоби назарияси;
- ўт ўчириш мақсадидаги сув таъминоти тизимлари каби **билимларга эга бўлиши** зарур.

#### **Тингловчи:**

- Сув таъминоти тармоқларини лойиҳалаш соҳасига оид МДХ давлатлари ва Ўзбекистон Республикасининг меъёрий хужжатлар тизимини;

- Ўзбекистон Республикасидаги сув таъминоти тизимидағи инновацион ўзгаришларни амалиётга тадбиқ эта олиш;

- Сув таъминоти тармоқларини лойиҳалаш фаолиятида самарали техника ва технологияларни танлай олиш каби **кўникма ва малакаларини** эгаллаши зарур.

#### **Тингловчи:**

- сув таъминоти тармоқларини лойиҳалаш соҳасида амалга ошириладиган сув беришнинг асосий схемалари танлаш, водопровод тармоқларини ҳисоблаш, ўт ўчириш мақсадидаги сув таъминоти тизимлари жараёнларини баҳолаш;
- сув таъминоти тармоқларини лойиҳалаш;
- Сув таъминоти тармоқларини лойиҳалаш орқали сув таъминотига оид хисобларни ечиш бўйича **компетенцияларга** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиши бўйича тавсиялар**

“Сув таъминоти тармоқларини лойиҳалаш” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий инновацион усуллари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик материалларидан;

-ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиши, ва бошқа интерфаол таълим усулларидан фойдаланиш назарда тутилади.

### **Модулининг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Сув таъминоти тармоқларини лойиҳалаш” модули йўналишдаги қуйидаги: Олий таълимнинг норматив-хукуқий асослари; илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат; таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларни қўллаш; амалий хорижий тил; тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари; маҳсус фанлар модуллари билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилади.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модул педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини яратиш ва улардан таълим тизимида фойдаланиш орқали таълимни самарали ташкил этишга ва сифатини тизимли орттиришга ёрдам беради.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	<b>Модул мавзулари</b>	Ҳаммаси	Масофавий	Аудитория	жумладан		
					назарий	амалий машгулот	кўчма машгулот
1.	Сув ташиш ва тарқатиш тизими. Водопровод тармоғини ўтказиш йўналишини аниқлаш. Водопровод тармоғига сув беришнинг асосий схемалари. Йўлак резервуарли, контррезервуарли ва комбинациялашган сув бериш схемалари	10	6	4	2	2	
2	Водопровод тармоқларининг ҳисоби назарияси. Шоҳсимон ва ҳалқасимон тармоқларининг ҳисоби. Босим сарфи ва тармоқдаги қувурларнинг иқтисодий жиҳатдан энг афзал диаметрларини аниқлашнинг замонавий усуслари. Водопровод тармоғининг гидравлик ҳисобини бажаришда замонавий ЭҲМ дастурларидан фойдаланиш.	10	4	6	2	4	
3	Ўт ўчириш мақсадидаги сув таъминоти тизимлари. Тармоқ бўйича эркин босимларни аниқлаш ва пъезометрик сатҳлар чизигини қуриш. Сув ташиш қувурлари, турлари ва ҳисоби.	8	4	4	2	2	
	<b>Жами:</b>	<b>28</b>	<b>14</b>	<b>14</b>	<b>6</b>	<b>8</b>	

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Сув ташиш ва тарқатиш тизими**

Кириш. Сув ташиш ва тарқатиш тизими. Водопровод тармоғини ўтказиш йўналишини аниқлаш. Водопровод тармоғига сув беришнинг асосий схемалари. Йўлак резервуарли, контррезервуарли ва комбинациялашган сув бериш схемалари.

#### **2-мавзу. Водопровод тармоқларининг ҳисоби назарияси**

Водопровод тармоқларининг ҳисоби назарияси. Шоҳсимон ва ҳалқасимон тармоқларининг ҳисоби. Босим сарфи ва тармоқдаги қувурларнинг иқтисодий жиҳатдан энг афзал диаметрларини аниқлашнинг замонавий усуслари. Водопровод тармоғининг гидравлик ҳисобини бажаришда замонавий ЭҲМ дастурларидан фойдаланиш.

#### **3-мавзу: Ўт ўчириш мақсадидаги сув таъминоти тизимлари**

Ўт ўчириш мақсадидаги сув таъминоти тизимлари. Тармоқ бўйича эркин босимларни аниқлаш ва пъезометрик сатҳлар чизигини қуриш. Сув ташиш қувурлари, турлари ва ҳисоби.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот:**

#### **Водопровод тармоғини ўтказиши йұналишини аниклаш ва тугунлардаги сув сарфини аниклаш**

Ахолии пунктни бош планида водопровод тармоғини йұналишини күрсатиши, хисобий тугунлар ва булаклар узунлигини аниклаш, тугунлар ва йулаклар схемасини тузиши, водопровод тармоғини хисобий сув сарфига асосланиб солиштирма сув сарфини, йулдош сув сарфини аниклаш, тугунлардаги сув сарфини аниклаш, гидравлик хисобини хисобий схемасини тузиши.

### **2-амалий машғулот:**

#### **Водопровод тармоғининг гидравлик ҳисоби**

Хисобий схемада дастлабки сув сарфини тарқатиши маҳсус шартлар бажарилган холда, булакларда сув сарфига караб диаметрларни танлаш, булаклар узунлиги буйича босим исрофини аниклаш, халкалар буйича гидравлик мувозанат шарти бажарилишини текшириш, хар бир халкада тузатма сув сарфини узгартыриш, тузатилган сув сарфини билган холда гидравлик мувозанат шартини бажарилишини текшириш.

### **3-амалий машғулот:**

#### **Водопровод тармоғининг гидравлик ҳисобини замонавий ЭХМ дастурларида бажариш**

ЭХМ дастурлари водопровод тармоғининг гидравлик ҳисобини бажариш учун дастлабки маълумотларни киритиш, истеъмолчилар сони ва турлари, тармоқдаги булакларнинг узунлиги, иншоотлар таркиби, ер сатхлари ва бошқа катталиклар.

### **4 -амалий машғулот:**

#### **Тармоқ бўйича эркин босимларни аниклаш ва пъезометрик сатхлар чизигини қуриш**

Сув ташиш кувурлари гидравлик ҳисобини жадвалда бажариш, пъезометрик сатхларни икки холат учун жадвалда бажариш, минимал босимни нокулай нуктада бинолар каватига боғлик холда танлаб, гидравлик ҳисобдан босим исрофлари кийматларидан фойдаланиб пъезометрик чизикларни қуриш.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модулни ўқитишида қуидаги ўқитиши шаклларидан фойдаланилади:

-мәърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

-давра сухбатлари (қўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чиқариш);

-баҳс ва мунозаралар (войиҳалар ечими бўйича далилларни тақдим эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Баллар</b>
1	Кейс		1,0 балл
2	Мустақил иш	2,5	1,5 балл

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



*Намуна: Водопровод тармоғига сув берининг асосий схемаларининг SWOT таҳлилини ушибу жадвалга туширинг.*

S	Халқасимон тармоқнинг шоҳсимон тармоқка нисбатан афзалликлари	1. Ишлатиш даврида ишончли эканлиги, тармоқнинг бир бўлагида содир бўлган авария бошка бўлакларни сув билан таъминлашга таъсир қилмайди. 2. Тармоқни кичик диаметрли қувурлардан қуриш мумкин эканлиги, чунки ҳар бир объектга сув бир неча йўналишда кичик миқдорда узатилади. 3. Сувни музлаб қолиш хавфини камлиги, чунки қувурларда сув доимо ҳаракатда бўлади.
W	Халқасимон тармоқнинг камчилик томонлари	Узок масофада жойлашган истеъмолчиларга қўллаб бўлмайди
O	Халқасимон тармоқнинг имкониятлари	Узок муддатга хизмат килиши
T	Тўсиқлар (ташқи)	Қувурлар ётказилишига тўскинилик қилувчи табиий ва сунъий ғовларнинг мавжудлиги

### «ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умуумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнималарини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тез ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **Намуна.**

Фикр: Сув таъминоти тармоқларини лойиҳалашда янги замонавий сув таъминотини ҳисоблаш усусларни анъанавий усусларига нисбатан афзал туради”.

*Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.*

### **“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи**

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустакил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурӯхлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

## Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзужакунланади.

**Намуна:**

Водопровод тармоғининг халқасимон ва шоҳсимон шакллари			
Халқасимон шакли		Шоҳсимон шакли	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қаҷон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	индивидуал ва гурухда ишлаш; муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиши	индивидуал ва гурухда ишлаш; муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиши; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиши; муқобил ечимларни танлаш

<p>4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.</p>	<p>якка ва гурухда ишлаш; мұқобил вариантын амалда құллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши</p>
--	---

### Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чықарған асосий сабабларни белгиланғ(индивидуал ва кичик гурухда).
- Ирригация тизимлари ишга тушириш учун бажариладагин ишлар кетма-кетлигини белгиланғ (жуфтликлардаги иш).

#### “Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, үзлаштириш күрсаткичи ва амалий қўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий қўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тигнловчиларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни үзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

#### “Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тигнловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни үзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тигнловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

-ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот қўринишида тайёрлайди;

-янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот қўринишида намойиш этилади;

-таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тигнловчилар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### **“Блиц-ўйин” методи**

Методнинг мақсади: Тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш қўниммаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастрраб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.
2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гурухдошларини таништириб, баҳсласиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурух баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.
3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тутатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.
4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қувиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.
5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимидағи ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшиллади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.
6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.
7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

*«Халқасимон тармоқнинг гидравлик ҳисобини бажарии тартиби» кетма-кет бажарииши келтиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!*

### **“Брифинг” методи**

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

Тақдимот қисми.

Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Тигловчиликар ёки тингловчиликар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1 -мавзу: Сув ташиш ва тарқатиш тизими

Режа:

1. Водопровод тармоғини ўтказиш йўналишини аниқлаш
2. Водопровод тармоғига сув беришнинг асосий схемалари

#### **1. Водопровод тармоғини ўтказиш йўналишини аниқлаш**

Сув тозалаш станциясидан насос станцияси ёрдамида бевосита аҳоли пункти водопровод тармоғига узатилади. Водопровод тармоғи сувни истеъмолчилар орасида тарқатишга хизмат қиласди. Водопровод тармоғи сув таъминоти системасининг асосий элементларидан бири бўлиб, у иш жараёнида сув ташиш қувурлари, насос станцияси ва ростловчи иншоотлар билан чамбарчас боғланган ҳолда ўз вазифасини бажаради.


Водопровод тармоғи керакли миқдордаги сувни зарур босим остида ўз вақтида узлуксиз равищда истеъмол жойларига етказиб бериши билан бирга, етарли даражада ишончли бўлиши ва унинг қурилиши ва эксплуатация қилиниши учун сарфланадиган харажатларининг энг кам бўлишини таъминлаши керак. Бу талабларни бажарилиши учун тармоқни тузилишини тўғри танлаш ва қувурларнинг диаметрини иқтисодий жиқатдан энг афзал бўлиши таъминланган бўлиши керак.

Водопровод тармоғини ўтказиш йўналишини аниқлаш.

Водопровод тармоқлари ҳар бир истеъмолчи учун энг қулай сув олиш имконини яратувчи ва шу билан бирга оптimal шаклда ётказилиши лозим. Водопровод тармоқлариниг ётказилиш йўналиши қуйидаги шароитларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади:

1. Сув билан таъминланувчи объектни сахни текислиги, унда ҳар бир истеъмолчиларнинг жойлаштирилиши;
2. Қувурлар ётказилишига тўскинлик қилувчи табиий ва сунъий ғовларнинг мавжудлиги (дарё, канал, жарлик ва бошкалар);
3. Жойнинг рельефи;
4. Бошка инженерлик коммуникацияларининг жойлашганлиги ва х.о.

Водопровод тармоғи икки хил: шоҳсимон ва халқасимон шаклда ётказилиши мумкин. Объектнинг ҳамма нукталарига сувни етиб боришини таъминлаш учун айрим ҳолларда шоҳсимон ва халқасимон тармоқ шаклларидан бир вақтда фойдаланиш хам мумкин (1 расм).



1 расм. Водопровод тармоғини йұналиш схемаси.

— Халқасимон тармоқ      ----- шохсимон тармоқ

Халқасимон тармоқнинг шохсимон тармоқка нисбатан ағзаликкәрі:

1. Ишлатиши даврида ишончли эканлиги, тармоқнинг бир бўлгидаги содир бўлган авария бошқа бўлакларни сув билан таъминлашга таъсир қилмайди.
2. Тармоқни кичик диаметрли қувурлардан қуриш мумкин эканлиги, чунки ҳар бир обьектга сув бир неча йўналишда кичик микдорда узатилади.
3. Сувни музлаб қолиш хавфини камлиги, чунки қувурларда сув доимо ҳаракатда бўлади.
4. Гидравлик зарба эҳтимоли шохсимон тармоқда кўпроқдир, халқасимон тармоқда эса озроқ бўлади.

Унча катта бўлмаган аҳоли пунктларининг водопровод системалари асосан шохсимон ҳолда қурилади, шуниндек бир-биридан узоқ масофада жойлашган обьектларни ҳам шохсимон тармоқ ёрдамида сув билан таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Водопровод тармоғининг ётказилиш йўналишлари аниқлагандан сўнг унинг ҳисоб бўлаклари ва тугунлари белгиланади. Бўлак узунлигининг жуда катта бўлиб кетиши ҳам ҳисоб аниқлигини камайтириши ва сувнинг қийматини ошириб юбориши сабабли, уларнинг узунлигини 500 - 600 метрдан ошмайдиган қилиб белгиланади. Тармоқ тугунлари қувурларнинг кесишиш нуқтасида ва алоҳида сув сарфи олинадиган жойларда белгиланади.

## 2. Водопровод тармоғига сув беришнинг асосий схемалари


Тармоқнинг шакли аниқланган ва ҳисоблаш булак ва тугунлари белгилангандан кейинги вазифа водопровод тармоғига сув бериш схемасини белгилашдир. Сув бериши схемаси насос станцияси ва сув минорасининг ўзаро жойлашиши шароити билан боғлиқ ҳолда аниқланади. Насос станцияси ва босимли сув минораси ифлосланмаган тоза жойга жойлаштирилиши лозим. Бу иншоотлар атрофида санитария хавфсизлик зонаси ҳам кўзда тутилиши керак.

Одатда водопровод тармоғидан сув истеъмоли нотекис тарзда амалга ошади. Сув истеъмолининг нотекис режимни текис амалга ошириладиган сув узатиш режими билан мувофиқлаштириш учун сув минораси ва ростлаш резервуарлари хизмат қилади. Улар аҳоли пунктининг баланд жойига ўрнатилади. Босимли сув минорасидан сув максимал истеъмол соатларида тармоқка келиб қўшилади. Сув узатиш миқдори истеъмол миқдоридан ортиқ бўлган соатларда миноранинг резервуарида сув йифила бошлайди.

Шундай қилиб сув бериш схемаси жойнинг рельефи, сув бериш шароитлари, ва тармоқ шаклига боғлиқ ҳолда қўйидаги турларга бўлинади:

### 1. Йўлак резервуарли схема.

– одатда, жой рельефи бирмунча ясси бўлган ҳолларда (аҳоли пунктининг қарама-қарши чеккаларида нуқталарида ер сатҳининг фарқи 3-5 м гача) қўлланилади. Бу ҳолда тармоқнинг тўйиниши бир томонлама амалга ошади. Сув гўёки йўлакдан ўтган каби босимли сув минораси қувуридан ўтиб водопровод тармоғига боради. Бунда истеъмолдан ортиқ юборилаётган сув босимли сув минорасида ушлаб қолинади. Насос станцияси томонидан сув истеъмолдан кам келаётган ёки умуман берилмаётган вақтларда сув босимли сув минорасидан тармоқка боради. Натижада узлуксиз равишда сув таъминоти амалга оширилади.




2 расм. Йўлак резервуарли сув бериш схемаси.

### 2. Контррезервуарли сув бериш схемаси

Одатда, сув билан таъминланаётган объектнинг баланд нуқталари насос станциясидан энг узок масофада жойлашган шароитларда қўлланади. Чунки босимли сув минорасини энг баланд нуқтага жойлаштириш билан биз босимли сув минораси ва насос станцияси қарама-қарши нуқталарида жойлашган контррезервуарли схемага эга бўламиз. Бу схема кўпинчча планда чўзик формада бўлган аҳоли пунктларида қўлланилади. Бу схема бўйича тармоқнинг тўйиниши икки томонлама амалга ошади, яъни максимал сув истеъмоли соатларида тармоқка сув ҳам босимли сув минорасидан ҳам насос станциясидан келади. Насос станцияси томонидан узатилаётган сув миқдори истеъмол миқдоридан қўп бўлган соатларда ортиқча сув босимли сув минорасига келиб тушади. Насос станцияси босимли сув минорасига сув узатилиши учун керак бўладиган босимни яратишга мўлжалланган бўлади. Бу соатларда тармоқда сув олиш нолга тенг деб олинади (тунги соатларда сув олиш нолга яқин бўлади), бунда сув транзит

(тармоқда сарф бўлмай) ҳолида, тўғридан тўғри босимли сув минорасига келиб туша бошлади.



3 расм. Контррезервуарли сув бериш схемаси.


Контррезервуарли схеманинг камчиликлари:

- Насос станцияси ва босимли сув минораси учун алоҳида штат белгилаш зарурли бўлиб, бу эксплуатацион харажатларини ошиб кетишига сабаб бўлади.
- Сувни транзит билан узатилганда жуда катта босим ҳосил қилиш лозим бўлади бу эса электр энергияси сарфини кўпайтириб юборади ва эксплуатация - харажатларини ортиб кетишига олиб келади.

Агар истеъмол сутка давомида текис бўлса (погонали графикда кўрсатилади) босимли сув минораси асосан, авария иншооти сингари ишлайди. Бундай ҳолатда минорасиз схемани қўллаш мумкин (бу ҳолда сутка давомида ишловчи насос керак бўлади).

### 3. Комбинациялашган сув бериш схемаси

Комбинациялашган схема – ахоли пункти тепаликда жойлашган ҳолларда қўлланилади.




**схема бўйича      схема бўйича**  
4 расм. Мураккаб сув бериш схемаси.

----- **Пъезометрик сатхлар чизиги**

Бундай тармоқнинг тўйиниши бир вақтнинг ўзида ҳам йўлак ҳам контррезервуарли схема бўйича амалга ошади. Бунда тармоқнинг бир қисми контррезервуар схемаси бўйича тўйинса, қолган қисми эса контррезервуар схемаси бўйича ишлади.

**4. Зоналаштирилган сув бериш схемаси**

Тармоқнинг зоналаштирилган схемаси йирик ва турли даражадаги босим талаб қилинадиган аҳоли пунктларида қўлланилади. Бу схема бўйича алоҳида районларга алоҳида насос станциялари ёрдамида юборилади. Бу схема аҳоли пункти территориясининг рельефи нотекис бўлганда, яъни баланд нуқталаридағи ер сатҳи бир-биридан кескин фарқ қилган ҳолларда (40-60 м) ҳам қўлланилади.



5 расм. Зоналаштирилган сув бериш схемаси.

----- **Пъезометрик сатхлар чизиги**

**Назорат учун саволлар:**

1. Водопровод тармоғини ўтказиш йўналишини аниқлаш қандай шароитларни инобатга олган ҳолда бажарилади?
2. Водопровод тармоғини ётқизиш шакллари ва уларни афзаликлари, камчиликлари.
3. Водопровод тармоғига сув беришнинг асосий схемалари.
4. Водопровод тармоғига сув беришнинг асосий схемаларини қўллаш шароитлари?
5. Тармоқнинг зоналаштирилган схемаси.

**2-мавзу. Водопровод тармоқларининг ҳисоби назарияси**

**Режа:**

1. Шоҳсимон ва ҳалқасимон тармоқларининг ҳисоби
2. Босим сарфи ва тармоқдаги қувурларнинг иқтисодий жиҳатдан энг афзал диаметрларини аниқлаш
3. Водопровод тармоғининг гидравлик ҳисоби

## 1. Шохсимон ва ҳалқасимон тармоқларининг ҳисоби

Тармоқнинг ётказиш йўналиши танланниб, ҳисоб бўлаклари ва тугунлари аниқланиб тармоқка сув бериш схемасини белгилаб олингандан сўнг унинг гидравлик ҳисобига киришилади. Гидравлик ҳисобнинг асосий вазифаси қувурларнинг иқтисодий жиҳатдан энг афзал диаметрини ва қувурдаги сув ҳаракати тезлиги йўл қўйилиши мумкин бўлган қийматларидан ошмаган ҳолатида босим сарфрини аниқлашдан иборатdir.

Тармоқнинг гидравлик элементларини аниқлаш учун бўлаклардаги ҳисобий сув сарфлари аниқлаб олинади. Тармоқка узатилаётган сув сарфланишига қараб уни текис – тарқалган сув сарфи (уйларга ва кўкаламзорларни суғоришга берилаётган сувнинг сарфланиши) ва алоҳида сув сарфига (алоҳида йирик сув истъемолчилари масалан ишлаб чиқариш корхоналарига берилаётган) ажратилади. Текис тарқалган сув сарфини характерлаш учун солиштирма сув сарфи тушунчаси киритилади. Солиштирма сув сарфи - бу вакт бирлиги ичida тармоқ узунлик бирлигига тўғри келаётган сув сарфидир (1п.м.га 1л/с). Солиштирма сув сарфи текис-тарқалган сув сарфини тармоқнинг умумий узунлигига ниспати бўйича аниқланади.

$$q_{sol} = \frac{q^{t-t}}{\sum L} \quad l/s, \quad (1)$$

$$q^{t-t} = q_{max} - q_{ahohida}, \quad (2)$$

Энди ҳар бир бўлакда сарфланаётган сув сарфи – йўлдош сув сарфини аниқлаймиз.

$$q_{yul} = q_{sol} \cdot l_{bo'lak}, \quad (3)$$

Бунда,  $q_{sol}$  – солиштирма сув сарфи,

$q^{t-t}$  – тенг тарқалган сув сарфи,


қалоҳида- алоҳида сув олинадиган сув сарфи,

$\sum L$  – тармоқнинг умумий узунлиги

### Шохсимон тармоқнинг ҳисоби

Тармоқка узатилаётган умумий сув сарфи йўлдош ва алоҳида олинадиган сув сарфларининг йиғиндисига tengdir.


Ҳар бир бўлакда ётқизиладиган қувурнинг диаметри ундан окиб ўтадиган сув сарфига мос ҳолда танланади. Шахсимон тармоқнинг ҳар бир бўллагига бериладиган умумий сув сарфи микдори бўлакнинг узунлиги давомида олиб қолинадиган йўлдош сув сарфи ( $q_{yul}$ ) ва шу бўлак орқали навбатдаги булаккача узатилаётган транзит ( $q_{tp}$ ) сув сарфи микдорларининг йиғиндисига teng бўлади (1а- расм).



1а- расм. Шохсимон водопровод тармоғининг ҳисоби схемаси

Бўлак узунлиги давомида сув сарфининг ўзгариши диаграммаси қуидагича кўринишга эга бўлади.

Шундай қилиб ҳар бир бўлакдан унинг узунлиги давомида « $q_{tr} + q_{yul}$ » дан  $q_{tr}$  гача камайиб борувчи ўзгарувчан сув сарфи ўтади. Бўлак давомида бир хил диаметрдаги қувур ёткизилиши сабабли қувурдан ўзгарувчан эмас, балки шу ўзгарувчан сув сарфига умумий босим сарфи жиҳатидан эквивалент бўлган доимий сув сарфи ўтади деб ҳисоблаймиз (1б- расм).




$$\text{Яъни, } q_{ekv} = q_{tr} + aq_{yo'l} \quad (4)$$

$$a = f\left(\frac{q_{tr}}{q_{tr} + q_{yo'l}}\right) = 0,5 - 0,58 \quad (5)$$

$$a_{rt} = 0,55$$

Бунда Андрияшевнинг ишланишлари ва таклифи асосида «а» нинг қийматини бошланғич маълумотлар (сув истеъмоли меъёрлари ва ҳ.о.)нинг аниқлигини ҳисобга олган ҳолда 0.5 га тенг деб олиш мумкин. Чунки «а» нинг айнан ана шу қийматида ўзгарувчан ва ўзгармас бўлак сув сарфлари бир хил босим сарфини ҳосил қиласди. Шундай қилиб ўзгарувчан сув сарфининг схемаси, қуидаги схема билан алмаштирилиши мумкин (1в- расм).



1в-расм

Бу соддалаштириш шоҳсимон тармоқнинг ва айниқса Халқасимон тармоқнинг ҳисобини осанлаштиради ҳамда барча ўзгарувчан йулдош сув сарфларини ўзгармас тугун сув сарфлари билан алмаштиришга имконият яратади. У ҳолда ҳар бир тугун сув сарфи, шу тугунга туташиб турган булаклардаги йулдош сув сарфларининг йигидисини яримига тенг бўлади.

$$q_{tug} = 0.5 \sum q_{yul} \quad (7)$$


Бунда,

$q_{yul}$  - тугунга туташувчи булакларнинг йулдош сув сарфлари.

Агар тугунда алоҳида олинадиган сув сарфи мавжуд бўлса, у ҳолда.

$$q_{tug} = 0.5 \sum q_{yul} + \sum q_{aloҳida} \quad (8)$$

Натижада сув олиш схемаси қуидаги кўринишга келтирилади.



1г- расм

## 2. Босим сарфи ва тармоқдаги қувурларнинг иқтисодий жиҳатдан энг афзал диаметрларини аниқлаш

Ҳар бир бўлак бўйича босим сарфларини аниқлаш учун қўйидаги малумотларни билиш зарур бўлади:

- 1 - бўлакнинг узунлиги;
- q - ҳисобий сув сарфи;
- d - қувурнинг диаметри.

$$\text{Гидравлик нишаблик } i = \frac{\lambda}{d} \frac{V^2}{2g} \quad (9)$$

Бунда,  $\lambda$  - ишқаланиш коэффициенти.

Босимли қувурларни ҳисоблашни асосий формуласи

$$h = \frac{i}{d} \frac{V^2}{2g} \quad (10)$$

қувурларда сув тезлиги қиймати катта бўлганлиги оқимнинг турбулент режимига сабаб бўлади. У ҳолда

$$V = \frac{q}{w} = \frac{4q}{nd^2}; \quad V^2 = \frac{16q^2}{\pi^2 d^4}; \quad h = \lambda \frac{l}{d} \frac{16q^2}{2\pi^2 d^4 g} = \frac{8l}{n^2 d^5 g} \lg^2 = A \lg^2; \quad h = Alq^2 \quad (11)$$

$$A = \frac{8\lambda}{\pi^2 d^5 g} \quad (12)$$

Бунда A- қувурнинг материали, узунлиги ва диаметрига боғлиқ бўлган солиштирма қаршилилк.

Чўян, пўлат ва асбестоцемент қувурларнинг солиштирма қаршиликларини аниқлаш бўйича 1950 йилдан бошлаб ВОДГЕО илмий текшириш институтида кенг лаборатория ва дала тажриба ишлари ўтказилди.

Метал қувурлар водопровод амалиётида оқимнинг ламинар режимдан турбулент режимига ўтиш зонаси шароитида ишлайдилар. Ишлатилган чўян ва пўлат қувурларда босим сарфини аниқлаш бўйича Шевелев Ф.А. томонидан қўйидаги формулалар таклиф этилган.

$V > 1.2 \text{ м/с}$  - квадратик зона, яъни  $Re > Re_{\text{энг}} \approx 2300 < Re < 3000-4000$ .

Айлана шаклидаги кўндаланг кесимга эга бўлган қувурлар учун Рейнольдс сони 2320 дан кўп бўлганда оқимнинг турбулент режими характерлидир.

$$\text{Бунда, } \lambda = \frac{0,021}{d^{0,3}} \quad (13) \quad i = 0,00107 \frac{V^2}{d^{1,3}} \quad (14)$$

$i$  - кинематик ёпишқоқлик коэффициенти.

$V < 1.2 \text{ м/с}$  ўтиш зонаси.

$$\lambda = \frac{0,0179}{d^{0,3}} \left(1 + \frac{0,867}{V}\right)^{0,3} \quad (61) \quad i = 0,000912 \frac{V^2}{d^{1,3}} \left(1 + \frac{0,867}{V}\right)^{0,3} \quad (15)$$

Асбестоцемент қувурлар хам водопровод амалиётида ўтиш зонасида ишлайдилар:

$$\lambda = \frac{0,011}{d^{0,16}} \left(1 + \frac{3,51}{V}\right)^{0,19}, \quad (62) \quad i = 0,000561 \frac{V}{d^{1,19}} \left(1 + \frac{3,51}{V}\right)^{0,19}, \quad (16)$$

Юқоридаги формуалар асосида қувурларнинг гидравлик ҳисоблаш учун жадваллар тузилган. Жадвалда 1 км узунлиқдаги қувурнинг материали ва диаметрга қараб аниқланган солиштирма босим сарфи (1000I) қиймати келтирилади. Бу жадвал Шевелев жадвали деб юритилади.

Шундай қилиб ҳар бир бўлакдаги босим сарфи қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$h = 1000i \cdot l \quad (17)$$

Bunda,  $1000i$  - Shevelev jadvali bo‘yicha quvurning diameri va undan oqib o‘tuvchi suv sarfi bo‘yicha aniqlanadi ( $\text{m}/\text{km}$ )

$l$  - bo‘lakning uzunligi, km

Қувурларни солиштирма қаршилигини (A) аниқлаш учун маҳсус жадваллардан фойдаланилади. Бу жадваллarda квадратик зонада ишлайдиган қувурлар учун "A" нинг қиймати берилади. Оқимнингламинардан турбулент режимига ўтиш зонада ишлайдиган (яъни  $V < 1.2 \text{ м/с}$ ) қувурлар учун солиштирма қаршилигни аниқлаш учун эса формулага тузатиш коэффициенти киритилади.

$$h = A_{kv} \cdot K \cdot \lg^2 \quad K = f(V) \quad (18)$$

1-жадвал

#### Қувурларнинг солиштирма қаршилиги

$v \text{ м/с}$	0.2	0.3	0.4	0.5	0.6	0.7	0.8	0.9	1.0	1.1
K	1.41	1.28	1.2	1.15	1.085	1.06	1.04	1.03	1.0	1.51

#### Иқтисодий жиҳатдан энг афзал диаметрни аниқлаш

Иқтисодий жиҳатдан энг афзал диаметрни аниқлаш қуйидагича амалга оширилади.

$Q = w \cdot V$  – турғун оқимнинг асосий формуласи

$$Q = \frac{\pi \cdot d^2}{4} V \text{ - айланасимон кўндаланг кесимли қувур учун.}$$

$$\text{Бу тенглиқдан } d = \sqrt{\frac{4Q}{\pi \cdot V}}$$

Бунда,  $d$  – қувурнинг ички диаметри.

Қувурнинг иқтисодий жиҳатдан энг қулай диаметрини аниқлаш учун сув сарфидан ташқари сувнинг оқиши тезлигини хам билиш зарур бўлади. Сув таъминоти тизими қувурларида сувнинг тезлиги 0.5-0.7 м/с дан 2.5-3.0 м/с гача ўзгариади. Сув тезлигининг ўзгариши (берилган сув сарфида) сув таъминоти тизимининг иқтисодий кўрсаткичларига таъсир қилиши мумкин.

Жумладан сув тезлигининг (V) ортиши қувурларнинг диаметрини камайтиради, бу эса қурилиш нархини камайтиради. Бироқ бу иккинчи томондан босим сарфини күпайишига олиб келади. Бу эса сувни насос билан күтариш баландлигини оширади ва шунинг учун насос станциясининг қуввати ва электроэнергия сарфи күпаяди. Ва аксинча, сув тезлиги камайганда қурилиш харажатлари күпаяди (чунки қувурлар диаметри катта бўлади) лекин эксплуатацион харажатлар ортади. Шундай қилиб қувурларнинг диаметрини аниқлаш техник-иктисодий масала бўлиб бунда иктисодий талаблар хисобга олиниши керак. Шунинг учун қувур диаметрини танлашда учинчи иктисодий кўрсаткич яъни ҳам қурилиш ва ҳам эксплуатацион харажатларини ўз ичига олевчи сарфларнинг бир йилга келтирилган қиймати хисобга олинади:

$$P = (\varepsilon + B)K + Se \quad (19)$$

Бунда, К - капитал сарфлаш (қувурларни қурилиш нархи)


S<sub>э</sub> - эксплуатацион харажатлар

$\varepsilon$  - капитал сарфларнинг самарадорлик коэффициенти

$$\varepsilon = \frac{1}{T} \quad (20)$$

T – харажатларни меъёрий қопланиш муддати

B – ҳар йилги амортизация ва ремонт харажатини хисобга олевчи коэффициенти.



2 расм. Сарфларнинг келтирилган қийматини сувнинг оқиш тезлиги ва қувур диаметри билан боғлиқлигини кўрсатувчи чизиклар

1-Электр энергияси учун сарфланадиган йиллик харажатлар

2-қурилиш нархи

3-сарфларнинг бир йилга келтирилган қиймати

Келтирилган харажатлар миқдори сувнинг хисобий оқиш тезлиги ёки бевосита қувурларни диаметрини функцияси сифатида ифодаланиши мумкин.

Бу чизиклардаги  $P_{min}$  га мос келувчи минимал координаталар иктисодий жиҳатдан энг афзал диаметр ва иктисодий жиҳатдан афзал сув тезлигини кўрсатади. Иктисодий жиҳатдан энг афзал диаметрини қўйидагича аниқланиши мумкин.

1.формула ёрдамида:  $d_{ik} = \mathcal{E}^{0.15} * q^{0.43}$

Юқорида таъкидлангандек Кишлок хўжалиги сув таъминоти тизимларида қувурлар асосан оқимнинг ламинардан турбулент режимга ўтиш зонасида ишлайди.

Бунда, Э - иктисодий омил бир қатор иктисодий кўрсаткичларни (электроэнергия, қувурлар ва уларни ўрнатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар), ва гидравлик хусусиятларни хисобга олади.

$$\mathcal{E} = M\sigma Y; \quad (21)$$

пулат қувурлар учун  $M = 0.92$ , чуян қувурлар учун  $M = 0.43$ , асбестоцемент қувурлар учун  $M = 0.25-0.43$ .

$\sigma$  - 1 квт.соат электроэнергиянинг нархи

$Y$  - сувни бериш нотекислик коэффициенти. Кишлок хўжалиги сув таъминоти тизимларида сув истеъмоли нотекис амалга ошишини эътиборда тутиб  $Y = 0.3-0.6$  қабул қилинади.

Иқтисодий омилнинг ўртача қиймати:

Сибирь ва Урал учун - 0.5

Марказий ва ғарбий европа учун - 0.75

Марказий Осиғ учун - 1.0 қабул қилинади

Иқтисодий омилнинг қиймати 0.15 дан 1.5 гача ўзгариши мумкин.

2. Иқтисодий жиҳатдан энг афзал диаметрни аниқлаш учун "иқтисодий жиҳатдан қулай сув сарфи" жадвали ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин.

Масалан чўян қувурлар учун ( $\mathcal{E} = 1.0$ ) бўлганда

$$d = 100\text{мм} \quad q = 4-6.6 \text{ л/с}$$

$$d = 125\text{мм} \quad q = 6.6-10.6 \text{ л/с}$$

$$d = 150\text{мм} \quad q = 10.6-17.8 \text{ л/с}$$

$$d = 200\text{мм} \quad q = 17.8-32.3 \text{ л/с} \quad \text{қийматларни танлаш мумкин.}$$

3. Қувурларнинг диаметрини номограммалар ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин

Иқтисодий жиҳатдан афзал диаметрга белгиланган иқтисодий жиҳатдан афзал сув тезлиги тўғри келади. Иқтисодий афзал сув тезлиги ҳам иқтисодий афзал сув сарфига боғлиқдир

$$d = 100-150 \text{ мм} \quad V_{икт} = 1.0-1.5 \text{ (1.9-max) м/с}$$

$$d = 200-250 \text{ мм} \quad V_{икт} = 0.7-1.0 \text{ (1.2-max) м/с}$$

Кишлок хўжалиги сув таъминоти тизимларида ёнгинни ўчириш мақсадларини назарда тутган ҳолда қувурнинг минимал диаметри  $d_{min} = 100$  мм, қабул қилинади.

### 3. Водопровод тармоғининг гидравлик ҳисоби

#### Йўлак резервуарли водопровод тармоғининг гидравлик ҳисоби ва унинг усуллари.

Йўлак резервуарли схемадаги водопровод тармоғи гидравлик ҳисоби икки иш ҳолати учун бажарилади:

1. максимал хўжалик сув истеъмоли ҳолати;
2. бир вақтининг ўзида максимал хўжалик сув истеъмоли ва ёнгинни ўчириш мақсадларида сув сарфини етказиб бериш ҳолати;

Тармоқнинг ётказиши йўналиши аниқланиб, ҳисоб бўлаклари ва тугунлари аниқланган ва ўзгарувчан йўлдош сув сарфлари ўзгармас тугун сув сарфлари билан алмаштирилиб ҳисоб схемасига киритилгандан сўнг сув сарфининг тармоқ бўйича дастлабки тахминий тарқатилиши амалга оширилади.

Бунда қўйидаги шартлар бажарилиши зарур.

1. Сув ҳар бир тугунга энг қисқача йўл билан етиб бориши керак.
2. Тугунда сув баланси сақланиши лозим – яъни тугунга келадиган сув сарфларининг йигиндиши, тугунда олиб қолинадиган ва кейинги тугунларга ўтиб кетадиган сув сарфлари йигиндиши бўлиши керак.
3. Тармоқнинг айрим булакларида авария содир бўлганда ҳам бошқа бўлаклари ишончли ишлашини таъминлаш учун параллель магистраль қувурлари бир-бирини ўрнини босадиган бўлиши керак, яъни диаметрлари ўзаро teng ёки яқин бўлиши керак.
4. Халқаларда босим сарфларининг баланси бажарилиши зарур яъни ҳар бир халқада бир вақтнинг ўзида гидравлик мувозанат шарти бажарилиши лозим. Ҳар бир халқада бир йўналишда сув оқаётган булаклардаги босим сарфларининг йигиндиши унга қарама қарши йўналишда сув оқаётган булаклардаги босим сарфларининг йигиндишига teng бўлиши керак:  $\sum h_x = 0$ .

Дастлабки тахминий сув тарқатилиши амалга оширилгандан сўнг бўлаклардаги сув сарфлари қийматлари бўйича қувурларнинг диаметрини танлаймиз. Бунда ўт ўчириш заруриятидан келиб чиқсан ҳолда қувурларнинг минимал диаметри 100 мм қабул қилинади.

Танланган диаметр ва сув сарфлари бўйича Ф.А.Шевелев жадвалидан солиштирма босим сарфлари (1000i) аниқланади ва ҳар бир бўлакдаги босим сарфи қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$h = 1000i \cdot l \quad (22)$$

$l$  - бўлакни узунлиги, км

Ф.А.Шевелев жадвалидан фойдаланилганда гидравлик ҳисоб Андриашев усулида бажарилади.

Лобачев-Кросс усули бўйича тармоқ гидравлик ҳисоби бажарилган босим сарфлари қуидаги формула ёрдамида аниқланади

$$h = Alq^2 \quad (23)$$

Бунда,  $A$  - солиштирма қаршилик

Бўлаклардаги босим сарфлари аниқлангандан сўнг ҳар бир халқада гидравлик мувозанат  $\Delta h = 0$  шарти бўйича текшириб кўрилади.

Амалий ҳисобларда  $\Delta h < \pm 0.5$  м бўлиши рухсат этилади.

Дастлабки сув сарфларининг тарқатилиши тахминий амалга оширилгани туфайли халқадаги гидравлик мувозанат дарҳол ўрнатилмаслиги ҳам мумкин.

Шу сабабли ҳақиқий қийматга яқин бўлган сув сарфларини топиш мақсадида ҳар бир бўлакнинг дастлабки сув сарфлари қийматига тузатиш киритилади.

Тузатма сув сарфи миқдори М.М.Андриашев ёки Лобачев формулалари бўйича топилади:

$$q = \pm \frac{\Delta h \cdot q_{o'r}}{2 \sum h} \quad (24)$$

$$q = \pm \frac{\Delta h}{2 \sum Sq} \quad (25)$$

Бунда,  $\Delta h$  - Халқа бўйича босим сарфларининг алгебраик йиғиндиси, м

$q_{o'r}$  - Халқа бўлаклари бўйича ўртача сув сарфи, л/с

$\Sigma h$  - Халқа бўйича босим сарфларининг арифметик йиғиндиси

$S$  - бўлакдаги қаршилик;  $S = A * l$

$A$  - солиштирма қаршилик

$L$  - бўлак узунлиги, м

Тузатма сув сарфининг мусбат (+) ишораси сув соат стрелкаси йўналиши бўйича йўналган бўлакларда сув ортиқча берилаётганини, соат стрелкаси йўналишига қарши йўналган бўлакларда эса етишмовчилик борлигини билдиради. Манфий (-) ишора эса бунинг аксини англатади. Шунга асосан ҳар бир халқада тузатма сув сарфи киритилади. Халқалар ўртасидаги бўлакларда эса қўшни халқаларнинг тузатма сув сарфлари ҳисобга олинади. Бунинг учун ўртадаги бўлаклардаги тузатма сув сарфлари ўз ишоралари бўйича мос бўлак тўғрисига ўтказилади.

Янги тузатилган сув сарфлари бўйича қайтадан  $1000i \cdot h$ ,  $\Delta h$  қийматлари аниқланади ва бу амал ҳар бир халқа бўйича  $\Delta h < \pm 0.5$  бўлгунга қадар такрорланади.

Тармоқнинг ҳар бир бўлакдаги сувнинг оқиши тезлиги сув сарфи ва қувур диаметрига мос ҳолда Шевелев Ф.А. жадвали бўйича аниқланади. Максимал - хўжалик сув истеъмоли ҳолати учун тузатилган ҳисобда тезлик  $V < V_{prh} = 0.75-0.8$  м/с бўлмоғи зарур.

Халқасимон тармоқнинг гидравлик ҳисобини бажариш тартиби.

1. Тармоқнинг ётказиш йўналишларини белгилаш.
2. Солиштирма сув сарфини аниқлаш ва ҳар бир бўлак учун йўлдош сув сарфини аниқлаш.
3. Текис – тарқатилган йўлдош сув сарфларини тугундаги алоҳида сув сарфларига алмаштириш.


4. Дастребки сув тарқатиши амалга ошириш ва бўлаклардаги сув сарфларини аниқлаш.
5. Кувурларнинг иқтисодий қулай диаметрларни танлаш (формула, жадвал ёки номограмма ёрдамида). Ёнгин маҳсус гидрантлардан ўчирилиши кўзда тутилганда кувурнинг минимал диаметри  $d_{min} = 100$  мм га тенг бўлиши керак.
6. Кувурларда босим сарфини хисоблашни Шевелев жадваллари ёки  $h = Alq^2$  формуласи ёрдамида амалга ошириш.
7. Халқа бўйича босим сарфини фарқини аниқлаш.
8. Халқадаги босим сарфининг алгебраик йифиндиси 0.5м дан кўп бўлганда қўйидаги формулалар ёрдамида тузатма сув сарфининг қийматини аниқлаш:

$$q = \frac{q_{o,ri} \Delta h}{2 \sum h} \quad \text{ёки} \quad q = \frac{\Delta h}{2 \sum S \cdot q}$$


9. Босим сарфининг алгебраик йифиндиси (номутоносибликни) камайтириш учун бўлаклардаги ҳисобий сув сарфларига тузатиш киритиши.
10. Бўлаклардаги босим сарфларини ва халқалардаги босим сарфларининг алгебраик йифиндисини аниқлаш. 6-нчи банддан 10-нчи бандгача кўрсатилган ишлар ҳар бир халқада бир вақтнинг ўзида  $h < 0.5$  м дан кам бўлгунга қадар тақрорланади.

Гидравлик элементларнинг якуний қийматлари ҳисоб схемаларида  $\frac{l - d}{q - h - V}$

кўринишида келтирилади. Тармоқни ҳисоблашда сувнинг оқиш тезлиги, пъезометрик сатҳлар ва тугунлардаги эркин босим қийматлари аниқланади.



3- расм. Йўлак резервуарли водопровод тармоғи гидравлик ҳисоби схемаси



Tugunlar		NS	BS M	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	I	BS M	NS
Masofa		300	225	450	450	450	450	450	425	350	325	500	475	525	525	225	300	
Yer sathi		350,5	350,5	379,4	377,2	350,6	350,9	350,5	371,6	352,0	352,5	353,3	354,8	352,8	351,0	350,6	350,5	
Max-xo'jalik suv istemoli holati	Pezometr chiziq sathi	28,6	26,6	24,7	37,5	37,4	35,5	35,5	36,8	36,0	35,7	35,7	35,4	35,2	35,2			
	Erkin bosim	40,5,6	40,0,3	39,6,4	39,4,0	39,4,0	39,4,0	39,4,0	39,4,0	39,4,0	39,4,0	39,4,0	39,4,0	39,4,0	39,4,0	39,4,0	39,4,0	
O'chirish sarfi qoshilganda	Pezometr chiziq sathi	49,8	49,8	45,5	35,7	35,7	19,5	17,3	17,3	15,7	15,7	15,7	15,7	15,7	15,7	15,7	15,7	
	Erkin bosim	50,0	49,8	45,5	35,7	35,7	26,2	27,7	27,7	21,3	21,3	21,3	21,3	21,3	21,3	21,3	21,3	

4-расм. Йўлак резервуарли схема учун пъезометрик чизиқлар.

1- максимал хўжаликка сув бериш ҳолати учун пъезометрик чизик

2- ёнғинни ўчириш ҳолати учун пъезометрик чизик

### Назорат учун саволлар:

- Гидравлик ҳисобнинг асосий вазифаси?
- Солиширма сув сарфи қандай аниқланада?
- Йўлдош сув сарфи қандай аниқланади?
- Шоҳсимон тармоқнинг ҳисоби қандай бажарилади?
- Босим сарфи ва тармоқдаги кувурларнинг иқтисодий жиҳатдан энг афзал диаметрлари қандай аниқланади?
- Водопровод тармоғининг гидравлик ҳисоби қандай бажарилади?
- Сув сарфининг тармоқ бўйича дастлабки тахминий тарқатилишида қандай шартлар бажарилиши лозим?
- Халқасимон тармоқнинг гидравлик ҳисобини бажариш тартиби.

### 3 -мавзу: Ўт ўчириш мақсадидаги сув таъминоти тизимлари

#### Режа:

- Тармоқни ўт ўчириш ҳолати учун ҳисоблаш
- Тармоқ бўйича эркин босимларни аниқлаш ва пъезометрик сатҳлар чизигини қуриш
- Сув ташиш кувурлари, турлари ва ҳисоби

#### 1. Тармоқни ўт ўчириш ҳолати учун ҳисоблаш


КМКда бир ёнғинни ўчириш учун сув сарфи меъёри бир вақтда бўладиган ёнғинлар сони ва унинг давом этиш меъёрий вақтига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Ёнғинни ўчириш мақсадида сув сарфи меъёри.

- Аҳоли сонига.
- Биноларни ёнғинга чидамлик даражасига.
- Биноларни баландлигига
- Саноат корхоналар биносини ҳажмига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Масалан, аҳоли сони 5 мингчча ва биноларнинг баландлиги 2 қаватгача бўлганда ташқи ёнғинни ўчириш сув сарфи 10 л/с (КМК 2.04.02.97. 5-нчи жадвал).

Бинолар сифими катта (300 киши ва ундан ортиқ) бўлган ҳолларда ичкаридан ёнгинни ўчириш сув сарфи меъёри ҳам назарда тутилиши лозим. Масалан клуб, кинотеатр ва бошқалар шундай бинолар туркумига киритилади ва бундай иншоотларда ички ўт ўчириш меъёри КМК II-30-76 га биноан аниқланади. Масалан, сифими 300 киши бўлган клуб учун сув ички ўт ўчириш тизимида ҳар бирининг сув сарфи 2.5 л/с бўлган 2 та сув олиш мосламаси кўзда тутилади. Бинонинг сифими 300 кишидан кўп бўлганда ҳар бирининг сув сарфи 5 л/с бўлган 2 та сув олиш мосламаси жами 10 л/с ички ўт ўчириш меъёрини кўзда тутади. КМКда ёнгинни меъёрий давом этиш вақти 3 соат этиб белгиланади, лекин кичик аҳоли пунктлари учун учун 2 соат қабул килиш мумкин. Ёнгинни ўчириш учун зарурий эркин босим ёнгинни ўчириш системасининг турига боғлиқ ҳолда белгиланади. Ёнгинни ўчириш учун икки турдаги асосий система кўлланилади:



1-расм. Юқори (А) ва паст (Б) босимли ёнгинни ўчириш тизими

1. Юқори босимли ўт ўчириш системаси (доимий ва вақтинча).

1 - гидрант      3 - кўчма ёнгинни

2 - стендер      ўчириш насоси.

$$\text{Хисобий эркин босим } H_{\text{енг.босм.}} = H_{\text{бин}} + \Sigma h + 10 \text{ м}$$

Бунда:  $H_{\text{бин.}}$ - бинонинг баландлиги

$$\Sigma h - ёнгинни ўчириш қувуридаги босим сарфи \Sigma h = 0.00385 lq^2$$

$$1 - ёнгини узунлиги, м; 1 = 120\text{м};$$

Масалан икки қаватли биноларда ёнгинни ўчириш учун зарурий босим:  $H_{\text{енг.босм.}} = 8 + 11.52 + 10 = 29.52$  метрни ташкил этади.

Аммо доимий равишда бундай юқори босимни таъминлаб туриш самарасиздир. Агар бундай босим фақат ёнгинни ўчириш вақтидагина ҳосил қилинса бундай система - вақтинча юқори босимли ёнгинни ўчириш системаси бўлади.

2. Паст босимли ёнгинни ўчириш системасига асосан тармоқда фақат насос иш бошлиши учунгина зарур бўлган (камида 10м) эркин босим ҳосил қилинади. Алоҳида нокулай шароитлардаги нуқталарда  $H_{\text{эр}}=7\text{м}$  бўлишига рухсат этилади. Тармоқнинг иккинчи хисоб ҳолати уни бир вақтининг ўзида максимал хўжалик мақсадлари ва ёнгинга қарши сув сарфларини етказиб беришни кўзда тутувчи ҳолатдир. Бу ҳолда ҳам хисоб аввалги тартибда олиб борилади. Бироқ барча тугунларда сув сарфи ўзгаришсиз қолдирилгани ҳолда, ёнгин чиқиши мумкин бўлган энг узоқ ва сувни етказиб бериш нокулай бўлган тугунда сув сарфи миқдори ёнгинни ўчириш меъёри миқдорича оширилади. Ёнгинга қарши сув сарфи насос станциясидан юборилади. Шундай қилиб хисобий сув сарфи максимал ва ўт ўчириш сув сарфлари йиғиндисидан иборат бўлади

$$Q_{\text{хис}} = Q_{\text{н.с}} + Q_{\text{енг}}$$

Ушбу хисобнинг натижалари қувурларнинг танланган диаметри тўғрилигини аниқлашга имкон беради. Амалда босимли сув минорасида 10 минутлик ўт ўчириш сув сарфи сақланади. Аҳоли сони 5 минг кишигача бўлган шароит учун бу қиймат қуйидагига тенгдир.

$$W_{\text{енг}} = 10 \text{ мин} * 15 \text{ л/с} * 60 = 9000 \text{ л} = 9 \text{ м}^3$$

### Контррезервуарли водопровод тармоғини хисоби

Контррезервуарли водопровод тармоғининг гидравлик хисоби уч иш ҳолати учун

бажарилади. Бу қуйидаги иш ҳолатларидир:

1. Максимал хўжалик сув сарфини етказиб бериш ҳолати
2. Бир вақтининг узида максимал хўжалик ва ёнғинга қарши сув сарфини етказиб бериш
3. Сувни транзит ҳолида босимли сув минорасига етказиб бериш.

Максимал – хўжалик сув сарфини етказиб бериш ҳолати учун тармоқ гидравлик ҳисобини бажаришда насос станциясидан ва босимли сув минорасидан келадиган сув сарфларининг қийматлари қуйидагича аниқланади:

$$q_{nc} = \frac{q_{max} * P_{nc}}{P_{max}}; \quad q_{bsm} = q_{max} - q_{nc}$$

Бунда:  $q_{max}$  - максимал - хўжалик мақсадларида берилаетган сув сарфи

$P_{nc}$  ва  $P_{max}$  - Сув истеъмоли ва насос станцияси сув сарфининг процент миқдоридаги қиймати. Бу қийматлар поғонали сув истеъмоли ва насос станцияни ишлаш графиклари бўйича аниқланади.

Дастлабки иш ҳолати учун одатда тармоқнинг гидравлик ҳисоби Андриашев усули бўйича Шевелев жадвали ёрдамида бажарилади. Бунда босимли сув минорасига туташаетган бўлакларда қувурларни диаметри насос станциядан босимли сув минорасига транзит ҳолида узатилаетган сувни ўтказишга имкон берадиган тарзда танланиши лозим. Қуйидаги ҳисоб схемасида сувни тарқатилиши ва қувурларни диаметри кўрсатилган.

Бир вақтининг ўзида ҳам максимал хўжалик ҳам ёнғинга қарши сув сарфлари ўтказилган иш ҳолати учун бериладиган тармоқнинг гидравлик ҳисоби учун насос станциядан берилаётган сув сарфи қуйидагича аниқланади:

$$q_{nc} = \frac{q_{max} * P_{nc}}{P_{max}} + q_{eng}$$

Босимли сув минорасидан берилаётган сув сарфи

$$q_{bsm} = q_{max} - \frac{q_{max} * P_{nc}}{P_{max}}$$

Учинчи иш ҳолати яъни сув насос станциясидан босимли сув минорасига транзит ҳолида ўтказилган ҳолат учун бажариладиган тармоқнинг гидравлик ҳисоби учун ҳисобий сув сарфлари қуйидагича аниқланади.

$q_{nc} \rightarrow q_{bsm}$ .

*Транзит ҳолати учун тармоқдаги сувнинг оқии тезлиги*

$V \leq V_{pruxc} = 0.9-1.0 \text{ м/с}$  бўлмоги зарур.

## 2. Тармоқ бўйича эркин босимларни аниқлаш ва пъезометрик сатҳлар чизигини қуриш

Гидравлик ҳисоб бажарилгандан кейин тугунлардаги эркин босимлар ва пъезометрик сатҳларни аниқлашга киришилади. Ноқулай нуқтада (ёнғинни ўчириш нуқтаси энг қийин бўлган - насос станция ва босимли сув минорасидан энг узоқ ва баланд жойлашган нуқта) ҳосил қилиниши лозим бўлган минимал эркин босим қиймати КМК бўйича танланади. Эркин босимнинг қиймати биноларни қаватига боғлиқ ҳолда танланади. Масалан:

бир қаватли бино учун  $H_{erk} = 10 \text{ м}$ ,

икки қаватли бинолар учун.  $H_{erk} = 14 \text{ м}$  ва ҳоказо ҳар бир кейинги қават ҳисобига 4 метрдан қўшиб борилади. Тугунлардаги пъезометрик сатҳ қуйидагича аниқланади:

$$\nabla_{p'ez.c} = \nabla_{er} \text{ сатҳи} + H_{erk}$$

Бошқа тугунларда пъезометрик сатҳларни аниқлаш учун бўлаклардаги гидравлик ҳисоб натижасида аниқланган босим сарфи қийматлари ҳисобга олинади. Пъезометрик сатҳлар чизиги йўлак ва контррезервуарли тармоқлар учун қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин.

Паст босимли ёнғинни ўчириш системаси учун ёнғинни ўчириш иш ҳолатида тармоқнинг ноқулай нуқтасида ҳосил қилиниши лозим бўлган эркин босим 10м га teng деб

танланади. Босимли сув минорасининг баландлиги қуидагича аниқланади.


$$H_{бсм} = Z_{нн} + H_{эрк} + \Sigma h - Z_{бсм} + h_{рез}$$

Бунда,  $H_{эрк}$  – ноқулай нүктадаги эркин босим миқдори.

$\Sigma h$  – ноқулай нүктадан босимли сув минораси ўрнатилган жойигача бўлган оралиқдаги босим сарфларининг йиғиндиси.

$h_{рез}$  – босимли сув минораси резервуарини баландлиги

$Z_{нн}$  ва  $Z_{бсм}$  – ноқулай нүқта ва босимли сув минораси ўрнатилган жойдаги ернинг сатҳлари.



Tugunlar			1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
Masofa		450	350,5	450	350,9	450	351,5	450	352,0	450	352,5	450	353,5	450	354,9
Yer sathi															
Max-xo'jalik suv istemoli holati	Erkin bosim	45,0	377,2	26,7	374,8	23,9	350,5	20,5	351,5	16,8	352,5	13,7	353,5	10,0	354,9
	Pezom chiziq sathi	389,2	383,3	389,2	372,0	370,0	369,2	369,2	369,2	369,2	369,2	369,2	369,2	369,2	369,2
O't o'chirish holati	Erkin bosim	395,5	380,5	28,9	372,0	21,2	370,0	20,0	352	14,0	353,8	14,0	355,8	14,5	354,9
	Pezom chiziq sathi	401,8	401,4	370,0	17,5	369,2	14,7	369,2	12,3	369,1	10,4	368,8	10,0	368,8	10,0
Tranzit holati	Erkin bosim	418,1	371,6	11,8	369,8	11,8	366,7	11,8	367,1	11,8	367,9	11,8	367,9	11,8	367,9
	Pezom chiziq sathi	406,1	551,1	389,2	383,3	389,2	380,5	380,5	380,5	380,5	380,5	380,5	380,5	380,5	380,5

2-расм. Контррезервуарли схема учун пезометрик чизиклар.

— максималь хужаликка сув утказиш холати

— енгини учириш сув сарфи кушилганда

— транзит холати

### 3. Сув ташиш қувурлари, уларнинг турлари ва ҳисоби

Сув ташиш қувурлари сувни манбадан водопровод тармоқларигача ташишга хизмат қиладилар. Сув таъминоти амалиётида сув ташиш қувурларининг қуидаги гурухларга киравчи турлари кўлланилади:

1 - насос ёрдамида босим ҳосил қилинади сув ташиш қувурлари ва ;

2 - гравитацион сув ташиш қувурлари. Бунда сув ўз оғирлик кучи ҳисобига харакатланади

Сув ҳаракати характерига қараб сув ташиш қувурлари босимли ва босимсиз турларга бўлиниши мумкин. Босимли сув ташиш қувури тўла кўндаланг кесим юзаси билан ишлайди. Босимсиз сув ташиш қувурида эса сувнинг эркин сатҳи ҳосил бўлади.

Сув ҳаракати характери бўйича эса сув ташиш қувурлари уч турга бўлиниши мумкин.


Булар ўзи оқар босимли, насос ёрдамида босим ҳосил қилинувчи ва ўзи оқар босимсиз сув ташиш қувурларидир.

Биринчи тур - ўзи оқар босимли сув ташиш қувурлари. Манбадаги сув сатхі ва сувни қабул килиш резервуардаги сув сатхарининг фарқи босим сарфига тенг ёки ундан катта бўлганда ўзи оқар босимли сув ташиш қувури қабул қилинади.


Иккинчи тур - насос ёрдамида босим ҳосил қилинувчи сув ташиш қувурлари. Манбадаги сув сатхі қабул килиш резервуардаги сув сатхидан кам бўлганда қабул қилинади. Зарурий босим насос станция ёрдамида яратилади.

Ўзи оқар босимли ва насос ёрдамида босим ҳосил қилинувчи босимли сув ташиш қувурларида қувурлар маълум чукурликда ер юзасига параллел равишда ётқизилади.


Учинчи тур – ўзи оқар босимсиз сув ташиш қувурлари. Амалдаги гидродинамик шартлари ўзи оқар босимли сув ташиш қувурлари шартларига тенг бўлади. Шунинг учун қувурлар маълум нишаблик билан ётқазилади. Гидродинамик босим чизиқлари қувурлар сатхига тўғри келади.



3-расм. Ўзиоқар гравитацион (босимсиз) сув ташиш қувури шакли



4-расм. Ўзиоқар босимсиз сув ташиш қувури шакли



5-расм. Насос ёрдамида босим ҳосил қилувчи сув ташиш қувурлари шакли

Жой рельефига ва махаллий шароитларига боғлиқ ҳолда ҳар икки турни ўз ичига олувчи аралаш сув ташиш қувурлари тури ҳам қўлланиши мумкин. Бунда иккита вариант ҳосил бўлиши мумкин:

- биринчи вариант бўйича сув «а-б» (чизмага қаранг) бўлақда насос ёрдамида босим ҳосил қилинувчи ва «б-в» бўлақда эса ўзиоқар босимли тарзда узатилади.
- иккинчи вариант бўйича туннель орқали ўзи оқар босимли сув ташиш қувурлари ҳосил қилинади.

Ҳар икки вариант техник иқтисодий жиҳатдан солиштирилиб энг маъқул бўлгани танлаб олинади.

Истеъмолчиларни ишончли ва узлуксиз равища сув билан таъминлаш учун босимли сув ташиш қувурлари қўидаги шартларга жавоб беришлари керак:

1. Сув ташиш қувурлари тузулиши бўйича етарли даражада мустаҳкам бўлиб авариясиз ишлаши таъминлаши .
2. Ремонт ёки авария вақтида ҳам истеъмолчиларни узлуксиз равища сув билан таъминлаш учун босимли сув ташиш қувурлари икки қатор бўлиши ёки резерв ҳавза кўзда тутилиши лозим керак.

Ўзи оқар босимли сув ташиш қувурларида пўлат, чўян, термирбетон ва пластмасса қувурлардан фойдаланилади.

Сув ташиш қувурларининг ҳисоби икки резервуарни боғловчи қувур ҳисоби тарзida бажарилади. Сув ташиш қувурларини ҳисоблашда қўидаги асосий формулалардан фойдаланилади:

$$h = S * q^m ; \quad S = A * l$$

Бунда,

$l$  - сув ташиш қувурлари узунлиги бўйича қаршилик

$A$  - солиширма қаршилик, унинг қиймати босимли сув ташиш қувурлари диаметри ва материалига боғлиқдир.

$m$  – қувур материалини ҳисобга олувчи коэффициент  $m=1.85-2.0$ . Асбестоцемент қувурлар учун  $m = 1.85$ ; Янги бўлмаган пўлат ва чўян қувурлар учун  $m = 1.9-2.0$  қабул қилинади.


Сув ташиш қувурларнинг гидравлик ҳисоби уч иш ҳолати учун бажарилади.

1. Сув сарфи ( $q$ ), узунлик ( $l$ ) ва босим сарфи ( $h$ ) аниқ бўлганда, қувурнинг диаметри ( $d$ ) аниқланади;
2. Қувурнинг диаметри ( $d$ ), узунлиги ( $l$ ) ва босим сарфи ( $h$ ) аниқ бўлганда, оптималь сув сарфи миқдори ( $q$ ) аниқланади;

3. Сув сарфи (q) аниқ бўлганда, қувурнинг диаметрини (d) танлаб, аниқ масофадаги босим сарфи (h) аниқланади.

Сув ташиш қувурларда рухсат этилган тезлик

$$V_{\max} = 2-3 \text{ м/с}; \quad V_{\min} = 0.3 \text{ м/с.}$$



6-расм. Комбинациялаштирилган сув ташиш қувурлари

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Тармоқни ўт ўчириш ҳолати учун гидравлик ҳисобни бажаришдан мақсад?
2. Ёнгинни ўчириш мақсадида сув сарфи меъёри.
3. Контррезервуарли водопровод тармоғини ҳисоби.
4. Тармоқ бўйича эркин босимларни аниқлаш ва пъезометрик сатҳлар чизиги қандай курилади?
5. Водопровод тармоғида минимал ва максимал эркин босим миқдори?
6. Паст босимли ёнгинни ўчириш системаси учун ёнгинни ўчириш иш ҳолатида тармоқнинг ноқулай нуқтасида ҳосил қилиниши лозим бўлган эркин босим нечага тенг кабул қилинади?
7. Сув ташиш қувурлари, уларнинг турлари ва ҳисоби.

**Таянч иборалар:** водопровод тармоғи, истеъмолчилар, сув бериш шакллари, қувурлар, сув бериш схемалари, босимли сув минораси, насос станцияси, тугунлар, босим, истеъмолчи талаби, ўт ўчириш тизими, истеъмолчилар, эркин босим, сув ташиш қувурлари, пъезометрик сатҳлар чизиги, сув сарфи меъёри, гидрант.

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

#### **1-амалий машғулот:**

**Водопровод тармоғини ўтказиш ўналишини аниқлаш ва тугунлардаги сув сарфини аниқлаш**

**Режа:**

1. Водопровод тармогини ўналишини аниқлаш.
2. Тугунлардаги сув сарфини аниқлаш.

#### **2-амалий машғулот:**

**Водопровод тармоғининг гидравлик ҳисоби**

**Режа:**

1. Гидравлик ҳисобини ҳисобий схемасини тузиш

2. Халқасимон тармокнинг максимал-хужалик сув истеъмоли иш холати учун гидравлик ҳисобини Андриашев усулида бажариш

3. Водопровод тармоғини иктисодий жихатидан авзал диаметрларни, булаклар узунлиги буйича босим исрофини аниклаш

**3-амалий машғулот:**

**Водопровод тармоғининг гидравлик ҳисобини замонавий ЭХМ дастурларида**

**бажариш**

**Режа:**

1. ЭХМ дастурлари водопровод тармоғининг гидравлик ҳисобини бажариш учун дастлабки маълумотлар

2. Гидравлик ҳисобни бажариш учун чегарваий шартлар

**4 -амалий машғулот:**

**Тармоқ бўйича эркин босимларни аниқлаш ва пъезометрик сатҳлар чизигини қуриш**

**Режа:**

1 Тармоқ бўйича эркин босимларни аниқлаш.

2. Тармоқ бўйича пъезометрик сатҳлар чизигини қуриш.

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қўйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Ҳар бир тингловчи ўқитувчи томонидан берилган мавзулар юзасидан топширикларни бажарадилар ва баҳоланадилар, баҳолаш мезони ишчи дастурда келтирилан.

### **Мустақил таълим мавзулари номи**

<b>№</b>	<b>Мавзулар номи</b>
1	Сувни ташиш ва тарқатиш. Водопровод тармоғини трассалаш. Ҳалқасимон тармоғини афзаллиги.
2	Кувур диаметрини аниқлаш асослари, усуллари.
3	Кувур узунлиги бўйича босим исрофи қийматини аниқлаш усуллари.
4	Ҳалқасимон тармоғини гидравлик ҳисобини бажариш усуллари.
5	Эркин босим тушунчаси. Минимал эркин босим қийматини ҚМҚ га биноан.

6	Гидравлик ҳисоб натижасига асосланиб тугунлардаги эркин босим қийматларини аниқлаш.
7	Тармоқ бўйича пъезометрик сатҳларни чизиш, босимли сув минораси баландлигини аниқлаш.
8	Иккинчи сувни кўтариш насос станцияси учун насос танлаш.
9	Халқасимон тармоқнинг бир вақтининг ўзида максимал-хўжаликга ва ёнғин ўчириш учун сув бериш холати гидравлик ҳисобини Лобачев усули бўйича компьютерда бажариш.
10	Контррезервуарли сув бериш схемасини танлаш шартлари, ўзига ҳослиги.
11	Контррезервуарли сув бериш схемасини гидравлик ҳисобини бажариш ҳолатлари.
12	Контррезервуарли сув бериш схемаси учун гидравлик ҳисоби натижасида пъезометрик сатҳларни куриш ва босимли сув минораси баландлигини аниқлаш.
13	Гидравлик ҳисоб натижаларидан фойдаланиб контррезервуарли сув бериш схемаси учун иккинчи сувни кўтариш насос станцияси учун насос танлаш.
14	Сув ташиш қувурлар турлари, қўлланиш шартлари.
15	Сув таъминоти тизимини баландлик схемасини тузиш.

## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Сув истеъмолчилари</b>	ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув обьектидан сув; сув обьекти — сувлар доимий равишда ёки вақтинча тўпланадиган ва сув режимининг ўзига хос шакллари ва белгилари бўлган табиий ҳамда сунъий сув оқимлари, сунъий сув ҳавзалари, шунингдек булоқлар ва бошқа обьектлар	
<b>Сув истеъмоли меъёри</b>	Сув истеъмоли меъёри деб бир истеъмолчи учун бир сутка давомида талаб қилинадиган сув миқдорига аталади	
<b>Ҳисобий сув миқдори</b>	энг баландда ва энг узоқда жойлашган сув олиш мосламасига узлуксиз етказиб берилиши ва унинг эркин қуилиши таъминланиши шарт. Бунинг учун зарур бўлган босим эркин босим дейилади	
<b>Сув таъминоти</b>	турли хилдаги истеъмолчиларни сув билан таъминлашга қаратилган тарбирлар комплекси	
<b>Водопровод тармоғи</b>	сув таъминоти системасининг асосий элементларидан бири бўлиб, у иш жараёнida сув ташиш қувурлари, насос станцияси ва ростловчи иншоотлар билан чамбарчас бoggанган ҳолда ўз вазифасини бажаради	

<b>Солиширма сув сарфи</b>	тармокнинг 1м узунлигига тугри келадиган тугри келувчи сув микдори	
<b>Ёнгин гидрантини</b>	Ут учиринш максадида ташки водопровод тармогидан сув олиш учун мослама	

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Асосий адабиётлар:

1. Maxmudova I.M., Saloxiddinov A.T. Qishloq yaylovlar suv ta'minoti. – Т.: Chinor-ENK, 2013. – 151 б.
2. Махмудова И.М, Салохиддинов А.Т. Қишлоқ ва яйловлар сув таъминоти – Т.: Хоразм, 2002. – 136 б.
3. Махмудова И.М., Ахмедова Т.А. «Табиий сувлар сифатини баҳолаш ва тозалаш асослари» Т.2008, 160б.
4. Махмудова И.М. «Улучшение качества природных вод» Т. 2015. – 230 стр.
5. Махмудова И.М. «Питьевое водоснабжение» Т. 2018. – 285 стр.
6. Briere F. Drinking – water distribution, sewage and rainfall collection. Presses inter Polytechnique. Montreal. 2007. p. 543.
7. Mackenzie L. Davis. Water and Wastewater Engineering: Design Principles and Practice. McGraw-Hill Education: New York, 2010 – 356р.

### Қўшимча адабиётлар:

8. R. Quentin Grafton, Karen Hussey. Water Resources Planning and Management. Cambridge University Press. Cambridge, UK, 2011.
9. Spiliotis M., Tsakiris G. Water distribution network analysis under fuzzy demands. Civil Engineer and Environmental Systems. Under review. 2011. Pp.242-248.
10. Swamee P.K., Sharma A.K. Design of water supply pipe networks. Wiley-Interscience, Hoboken, NJ. 2008. Pp. 347.
11. Briere F. Drinking – water distribution, sewage and rainfall collection. Presses inter Polytechnique. Montreal. 2007. p. 543.
12. Walski T., Chase D., Savic D., Grayman W., Beckwith S., Koelle E. Advanced water distribution modeling and management. Haestad Press. Waterbury. CT. 2003. Pp

### Интернетресурслари:

13. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) – Зиёнет кутубхонаси
14. [www.edu.uz](http://www.edu.uz) – Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
15. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) – Ҳукумат портали
16. [www.nuu.uz](http://www.nuu.uz) – Ўзбекистон Миллий университети
17. [www.tiqxmmy.uz](http://www.tiqxmmy.uz) – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти